

## ҚУРБОН БЕРЕГИН

Қурбон Оллоберган ўғли<sup>1</sup> 1904 йил 10 декабрда Хива шаҳрида ҳунарманд дехқон оиласида дунёга келган. Отаси Оллоберган Худойберган охунд ўғли асли Хонқанинг Навхас қишлоғидан бўлиб, Хивага 1902 йил кўчиб келган эди. Қурбон болалик чоғларидан кўзи меҳнатда пишди, айни пайтда бобоси Худойберган охунд(олимлик рутбаси)нинг қони тартдими илм олишни ҳам канда қилмади. Қурбон аввал эски эски мактабда ўқиб хат-савод чиқаради. 1917-20 йилларнинг қиши ойларида Хива мадрасаларидан бирида таҳсил олади. 1920 йилнинг бошларида Хоразмда хон ҳокимияти ағдарилиб унинг ўрнида шўро жумхурияти барпо этиди. Қурбон Оллоберган ўғли аввал Урганчдаги интернатда, 1921 йил июн ойидан Хивадаги Ўлка ўқитувчиларни тайёрлаш курсида ўқишни давом эттиради.



Хоразмда шўролар ҳукумати ҳокимиятини тўлиқ ўз қўлига олишда маҳаллий ёшларни кўпроқ жалб этишга алоҳида аҳамият қаратади. Шу мақсадда большевиклар ҳукумати маҳаллий ёшларни танлаб олиб, Марказий Россия таълим даргоҳларига йўллай бошлайди. Мазкур жараёнда Қурбон Оллоберган ўғли ҳам 1921 йилнинг август ойида Козондаги 6 ойлик ҳарбий-сиёсий мактабга ўқишига юборилади. 1922 йил январида курсни якунлаб келган Қурбон Оллоберган ўғли қисқа муддат ЧК (кейинчалик ГПУ) махфий бўлимида ишлайди. 1922 йил ёзида у кўплаб маҳаллий ёшлар қаторида яна Москвага йўл олди ва Шарқ ҳалқлари коммунистик университетига ўқишига киради. Бироқ, оғир касалликка чалиниб, ўқишни давом эттира олмай ўша йилнинг ноябррида Хивага қайтиб келади.

Қурбон Оллоберган ўғли 1923-24 йилларда Хозарасп туман партия қўмитаси котиби лавозимида иш олиб борди. 1924 йилдан Хоразм коммунист ёшлар иттифоқи(комсомол)да ташкилотчи, Хоразм округ комсомол

<sup>1</sup>Батафсил маълумот учун: Наим Каримов. Қурбон Берегин қисмати. Тошкент. 2006. – 112 б.

қўмитасида сиёсий оқартув бўлими мудири вазифаларида ишлайди. У совет миллий чегараланиш сиёсати натижасида ташкил этилган Хоразм округини шакллантиришда катта хизмат қилди. Шунингдек, 1920-24 йиллар давомида Хоразм воҳасидаги ўзбек матбуоти қалдирғочлари “Қизил Хоразм”, “Хоразм хабарлари”, “Ёшлил овози”, “Маориф”, “Ишчи товуши” сингари нашрларни кузатиб, кейинчалик ўзи ҳам шу нашрларда илк хабар ва мақолаларини эълон қила бошлаган эди.

Курбон Оллоберган ўғли 1925-27 йилларда Хоразм округ комсомолида масъул котиб, 1927 йил августдан 1929 йилгача Хоразм округ АППО мудири ҳамда “Инқилоб қуёши” журналининг масъул муҳаррири лавозимларида меҳнат қилди. Айни пайтда 1923-29 йиллар давомида Курбон Оллоберган ўғли Хоразм округ отлиқ аскарлар полкида сиёсий-тарғибот ишлари билан ҳам машғул бўлган. Бу эса унинг мураккаб шахсиятини англатади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, инқилоб йилларида “қизил империя” қуриш тарафдорлари ўзларининг маккорона режасини амалга ошириш йўлида минглаб маҳаллий ёшларни ўз сафларига тортган эди. Бироқ, уларнинг бир қисми кўр кўрона Марказнинг буйругини бажарувчи кимсаларига айланган бўлса, Курбон Берегинга ўхшаган бошқа қисми умрбод миллати ва динини қалби тубида асраб қола олди.

Курбон Оллоберган ўғли 1929 йил августида Ўз КП(б) МК томонидан Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқанд шаҳрига чақириб олинади. У 1929-31 йилларда ЎзССР Маориф халқ комиссарлигига коллегия аъзоси, 1931 йил октябрь ойидан 1933 йил ноябрь ойигача Ўзбекистон давлат нашриёти бошқаруви раиси бўлди. Айни пайтда 1931 йилдан “Маданий инқилоб” газетасига ҳам муҳаррирлик қилган.

Курбон  
Берегин 1933 йил  
охиридан 1935



йил октябрь ойигача ЎзССР КП(б)МҚда Маданият ва тарғибот бўлимида инструктор ва айни пайтда 1934 йил 25 майдан 14 августигача компартия “тозалаш” кампанияси бўйича республика комиссиясида масъул котиб вазифаларида иш олиб боради. 1935 йил сентябридан ЎзКП(б) МҚда маданий оқартув бўлими мудири лавозимларида хизмат қилди. 1935 йилда унинг ташаббуси билан ўтказилган энг яхши асарлар танловида А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романига 2-мукофотнинг берилиши, ”панада яшаётган” А.Қодирий (“Обид кетман”), Чўлпон (“Кеча ва кундуз”) ва Р.Рахимий (“Хоин”) пьеса ва романларининг нашрга тавсия этилиши жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди. Дарҳақиқат, Қурбон Берегин қаерда ишламасин, ўзидан яхши из қолдирди. У таржимон сифатида Хоразмда яшаган бошқирд ёзувчиси А.Тагировнинг “Солдатлар” қиссасини ўзбек тилига ўғирди. М.Шолоховнинг Роик таржима қилган “Очилган қўриқ” романидан ташқари, АС.Пушкиннинг “Дубровский”, “Капитан қизи”, “Бекат назоратчиси” қиссалари, А.Горькийнинг “Она”, М.Козимиининг “Қўрқинчли Техрон” романларига муҳаррирлик қилди. Аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда, Берегин 1924 йил январида Хоразмда рўй берган воқеалар тасвирига бағишлиланган роман ёзган. Унинг адабий-публицистик меросида “Маданий қурилиш вазифалари”, “Шодли кунлар” (1929), “Гражданлар урушининг тарихи тўғрисида” (1930), “Савод учун кураш” (1931) сингари китоблар, шунингдек, “Ишчилар харакати”, “Ёшлилар матбуоти”, “Халқ маорифи жабҳасида”, “Маданий инқилобнинг муҳим масалалари” сингари кўплаб мақолалари бор.

1937 йил 31 август - 9 сентябрь кунларида Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленум доирасида ташкил этилган маҳсус комиссия ўнлаб ёзувчиларни чиёриқдан ўтказиб, уларнинг шубҳали ҳисобланган қисми ўюшма аъзолигидан чиқарилди. Пленум мажлисларига раҳбарлик қилган Қурбоннинг ўзи ҳам мазкур жараёнда шубҳа остида олинади ҳамда 1937 йил 5 сентябрь куни “ёт унсур” сифатида Ёзувчилар ўюшмаси аъзолигидан чиқарилиб, қамоқقا олинади...

Шу ўринда воқеъликка кенгроқ тўхталиб ўтсак, 1937 йил 5 сентябрь куни ЎзССР ИИХК Загвоздин Агабековлар томонидан Қ.Берегинни қамоққа олиш учун аллақачон тайёрлаб қўйилган қарорга имзо чекди. Бу бир қарашда тасодифдек таассурот қолдиради. Аслида эса бўлган ишларнинг ҳаммаси ипидан игнасигача ИИХК томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида кечаётган эди. Тасодифлар эса ҳар доимгидек ортиқча...

1937 йил 5 сентябрь куни Қурбон Берегин учун ордер олинди ва унинг Тошкент шахри, Уездная кўчаси 23-хонадонда тинтув ўtkазилди. Ортидан унинг турмуш ўртоғи Онажон, қизи Қувонч (9 ёш), Мұхаббат ва эндиғина 4 ёшга кирган ўғли Маратлар изиллаб йиғлаганича қолиб кетдилар.

Қ.Берегин қарийиб бир ой тинимсиз қийноқлар ортидан 1937 йил 3 октябрь куни илк сўроққа чақирилди. Энг қизиги унга имзолатилган сўроқ баённомаси бошдан оёқ мантиқсизлик ва бўхтонлардан иборат эди. Жумладан, Ақмал Икромовнинг талаби билан Зиё Сайд, Ғози Юнусларнинг асарлари саҳнага қўйилгани ва яқиндагина қамоқдан келган Ғулом Зафарийни ишга олгани, шунингдек, 1935 йил июнда ўзининг Р.Мажидий билан биргаликда тақриз ёзиб, Абдулла Қодирий, Элбек, Чўлпонларнинг асарларини нашр этгани ва муаллифларга катта-катта гонорар берганини “тан олади”.

1938 йил март ойида Абдулла Қодирий, 1938 йил 30 сентябрь куни Мўмин Усмонов, 1938 йил 3 октябрь куни Муҳиддин Турсунхўжаевлар билан ўтказилган юзлаштиришларнинг бирортаси кутилганидек ўтмади. Аксинча, томонлар ўзларига қўйилган даъволарни тўлиқ рад этди ва ҳеч қачон аксилинқилобий ташкилотда бўлмаганларини айтадилар.

Қурбон Берегиннинг айблов баённомаси аввалбошда қўйилган айбловлар ўзгармагани ҳолда имзоланди. Қурбон Берегинни ЎзССР ЖКнинг 58, 64, 63, 67-моддалари билан айбдор деб, Ёзувчилар уюшмасини Чўлпон, Қодирий, Элбек ва Раҳмат Мажидий сингари аксилинқилобчи миллатчилар билан тўлдириб юборганиликда айбланади.

1938 йил 4 октябрь куни ЎзССР НКВД қошидаги машъум “учлик” суди соат 00 40 дан 01 05 гача давом этди. Қурбон Берегин суд сўнгида: “менга қўйилган барча айбловлар ёвузларча ташкил этилган бўхтон, бошқаларнинг мен ҳақимда берган ёлғон кўрсатмаларини ҳам тушуна олмадим” деб сўзини тугатади. Суд унга отув ҳукмини эълон қиласди ва ҳукм шу куннинг ўзидаёқ ижро этилади.

Сталин вафотидан сўнг илиқлиқ шабадаси эса бошлаган илк кунлардаёқ Қурбон Берегиннинг иши ҳам қайта қўриб чиқишига топширилди. 1937 йил у билан ишлаган, уни таниган бир қанча инсонлар қайта сўроққа тортилади. 1956 йил 20 апрель куни фрунзелик ҳамкасби Илёс Муслим (1909) Қурбон Берегин ҳақида: “...1932-33 йиллар ЎзГИЗнинг директори эди. Мен у кишининг қўлида адабий муҳаррир бўлиб ишлаганман. Қурбон Берегин менинг наздимда тадбиркор ва чексиз гайратли инсон сифатида қолган” дейди. Шу куни яна бир гувоҳ Касабов Сергей Григоревич (1903): “... Берегин ўз ишининг ҳақиқий устаси эди. Унинг даврида ҳамма режалар муттасил бажарилар эди. Чунки, у одамларнинг иқтидорини ва кучини тўғри баҳолаб сўнг вазифа берарди. Шунинг учун жамоада ҳамманинг бирдай ҳурматига сазовор бўлган инсон эди” дейди.

Қурбон Берегин 1956 йил 23 июн куни СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланди.

*Манба: Б.Ирзаев, Ю.Рахмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби (82-87 бет)*